

СУРРОГАТ ОНАЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ: ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

Хусанова Диёра Юсуповна

Тошкент давлат юридик университети

“Спорт ҳуқуқи” йўналиши магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19947768>

Аннотация: мазкур тезисда суррогат оналик институтининг дастлабки кўринишларининг турли тарихий даврларда вужудга келиши ва ривожланиши тарихий-ҳуқуқий таҳлил асосида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: диний-анъанавий суррогат оналик, замонавий-тиббий суррогат оналик, либерал режим, консерватив режим.

ВОЗНИКНОВЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА СУРРОГАТНОГО МАТЕРИНСТВА: ИСТОРИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

Хусанова Диёра Юсуповна

Ташкентский государственный юридический университет

Магистрант направления «Спортивное право»

Аннотация: в настоящем тезисе на основе историко-правового анализа исследуются возникновение и развитие первых форм института суррогатного материнства в различные исторические периоды.

Ключевые слова: религиозно-традиционное суррогатное материнство, современно-медицинское суррогатное материнство, либеральный режим, консервативный режим.

THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF THE INSTITUTE OF SURROGATE MOTHERHOOD: A HISTORICAL AND LEGAL ANALYSIS

Khusanova Diyora Yusupovna

Tashkent state university of law

master's student in "Sports law"

Abstract: This thesis examines, on the basis of historical and legal analysis, the emergence and development of the initial forms of the institution of surrogacy in various historical periods.

Keywords: religious-traditional surrogacy, modern medical surrogacy, liberal regime, conservative regime.

Тарихий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, суррогат оналик институтининг вужудга келишининг илк кўринишлари қадимги Вавилонда Хаммурапи қонунларида (мил. авв. 1750-йиллар) агар хотин фарзанд кўра олмаса, эрига жориясини (чўрисини) “фарзанд туғиб бериш учун” бериши мумкинлиги белгиланган. Туғилган бола қонуний хотиннинг фарзанди ҳисобланган¹. Қадимги Римда рим ҳуқуқи бўйича “*Ventre inspiciendo*” тушунчаси мавжуд бўлиб, ворисликни таъминлаш учун бепушт оилаларда бошқа аёл хизматидан фойдаланиш имконияти тақдим этилган. Бироқ Рим ҳуқуқининг классик тамойили “*Mater semper certa est*” (Она доимо аниқ, яъни тукқан аёл

¹ Косарев А. И. Антропология права. — М.: Норма, 2005. С. 112.

она ҳисобланади) узоқ вақт давомида ушбу соҳанинг ҳуқуқий ривожланишини чеклаб келган².

Суррогат оналик институтининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи инсониятнинг бепуштлик муаммосига ечим излаш йўлидаги кўп асрлик изланишларини акс эттиради. Ушбу жараёни шартли равишда қуйидаги диний-анъанавий ва замонавий-тиббий даврларга ажратиб тадқиқ этиш мумкин:

қадимги давр ва диний манбалардаги суррогат оналикнинг вужудга келиш тарихи (Милл.авв XVIII асрдан милодий XVIII асргача);

суррогат оналик юзасидан дастлабки тиббий тажрибалар даври (XVIII - XIX асрлар);

суррогат оналик жараёнида тиббий инқилоб даври. (XIX - XX асрлар);

суррогат оналик дастурининг амалиётга жорий этилиш даври (1990 йиллардан ҳозиргача).

Қадимги давр ва диний манбалардаги суррогат оналикнинг вужудга келиш тарихи. Суррогат оналикнинг энг қадимги шакллари (анъанавий суррогат оналик) муқаддас диний матнларда ўз ифодасини топган. Хусусан, Инжилнинг “Эски Аҳд” (Ибтидо китоби) қисмида репродуктив алмашинувнинг илк намуналари келтирилади. Жумладан, мазкур китобнинг ўн олтинчи бобида “Сора” исмли шахс ўзи фарзанд кўра олмагач, эри Иброҳимга чўриси Ҳожарни фарзанд туғиб бериши учун таклиф қилиши ва туғилган бола ижтимоий жиҳатдан Соранинг фарзанди сифатида қабул қилиниши баён этилган³. Шунингдек, ушбу китобнинг ўттизинчи бобида Роҳила ва Ёқуб ўртасидаги муносабатларда Роҳила ўз хизматкори Валлани Ёқубга бериши ва Валла туққан болаларни ўз тиззасида қабул қилиши, уларга оналик қилиши ёритилган⁴.

Бундан ташқари, антик давр адабиётларининг ёрқин намунаси бўлган Плутархнинг “Қиёсий таржимаи ҳоллар” асарида Галатия шоҳи Деиотар ва унинг рафиқаси Стратоника ўртасидаги келишув баён этилган. Стратоника ўзининг бепуштлиги туфайли шоҳга ворис кераклигини англаб, эрига бошқа аёлдан фарзанд кўришни таклиф қилади ва туғилган болаларни ўз фарзандидек тарбиялаганлиги қайд этилган⁵.

Суррогат оналик юзасидан дастлабки тиббий тажрибалар даври. Суррогат оналикнинг биологик элементлари ва донорлик масалалари XVIII-XIX асрларда илмий кузатувлар объектига айланди. Р.Норбернинг “Ҳуқуқий антропология” асарида қайд этилишича, донорлик ва суррогатлик элементлари инсониятнинг турли маданиятларида наслни давом эттиришнинг ҳуқуқий механизми сифатида илгари сурилган⁶. XVIII асрда Италияда руҳоний С.Лазаро томонидан илк бор сунъий уруғлантиришга яқин бўлган процедураларнинг амалга оширилган бўлиб, ушбу жараён дин ва фан ўртасидаги дастлабки репродуктив тўқнашувлар сифатида баҳоланган⁷.

² Диков Г. В. Проблема суррогатного материнства в европейском праве // Право и политика. — 2018. № 4. С. 45-50.

³ Библия. Ветхий Завет. Книга Бытия. Глава 16.

⁴ Библия. Ветхий Завет. Книга Бытия. Глава 30.

⁵ Плутарх. Сравнительные жизнеописания. — М.: Наука, 1994.

⁶ Norbert R. Legal Anthropology: An Introduction. — Oxford University Press, 2004. P. 142.

⁷ Lazzaro S. Early Experiments in Reproductive Medicine // Journal of History of Medicine. — 1956. No. 2.

Суррогат оналик жараёнида тиббий инқилоб даври. Тарихий манбаларда қайд этилишича, суррогат оналикнинг замонавий шаклига XX асрнинг иккинчи ярмида асос солинган. Жумладан, 1960-йилда СССРда Совет олимлари Б.В.Леонов ва А.И.Никитин инсон тухум хужайраларини лаборатория шароитида муваффақиятли уруғлантириш борасида илк тажрибаларни ўтказдилар, бу эса кейинчалик “пробиркадаги чақалоқ” технологиясига йўл очди⁸. Шунингдек, 1978 йилда инглиз олимлари: биолог Р.Эдвардс ва гинеколог П.Степто дунёда биринчи бўлиб “Эко” технологияси ёрдамида Луиза Брауннинг туғилишини таъминлаган бўлиб, мазкур тиббий кашфиёт суррогат оналикнинг гестацион шакли (бегона ҳомилани кўтариб бериш) учун техник имконият яратган⁹.

Суррогат оналик дастурининг амалиётга жорий этилиш даври. (1990 йиллардан ҳозиргача). Тиббий технологияларнинг замонавийлашуви ҳуқуқий шартномалар асосида суррогат оналикнинг илк дастурларни бошлаб берган. Жумладан, 1990 йил АҚШнинг Иллинойс штатида 37 ёшли Элизабет Кейн дунёдаги биринчи расмий суррогат она сифатида шартнома имзолаган бўлиб, хизмати учун ҳақ олган ва тижорий суррогат оналик дастурининг бошланишига сабаб бўлган¹⁰. 1987 йил Жанубий Африка Республикасида репродуктив саломатлик бўйича фидойиликнинг ноёб намунаси сифатида Пат Энтони ўз қизи Керен Феррейра учун суррогат она бўлган бўлиб, у ўз набираларини дунёга келтиришга ёрдам берган¹¹. 1995 йил Санкт-Петербургдаги Халқаро репродуктив тиббиёт марказида Россия тарихидаги илк суррогат оналик дастури муваффақиятли яқунланган¹². Бу босқичда суррогат оналик халқаро миқёсда “репродуктив туризм” шаклини олди.

Олиб борилган тарихий-ҳуқуқий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 1990-йиллардан бошлаб дунёда суррогат оналик дастурига нисбатан кўйидаги иккита асосий ҳуқуқий режим шаклланди.

Либерал режим. Россия, Украина, Грузия ва Қозоғистон каби давлатлар суррогат оналикни нафақат қонунийлаштирди, балки унинг тижорий шаклига ҳам рухсат берди. Бу ушбу мамлакатларнинг оила кодексларида ва махсус соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларида ўз аксини топди¹³. Ушбу давлатларда генетик ота-оналарнинг ҳуқуқлари суррогат онанинг ҳуқуқларидан устувор этиб белгиланган.

Консерватив режим. Франция, Германия, Австрия ва Норвегия каби давлатлар инсон қадр-қиммати ва аёл танасининг дахлсизлиги тамойилларига таяниб, суррогат оналикни қатъиян тақиқлади¹⁴. Масалан, Германияда “Эмбриони ҳимоя қилиш

⁸ Леонов Б. В. Экстракорпоральное оплодотворение при лечении женского бесплодия. — М.: Медицина, 1986. С. 45.

⁹ Steptoe P. C., Edwards R. G. Birth after the reimplantation of a human embryo // The Lancet. — 1978. Vol. 2. P. 366.

¹⁰ Kane E. Birth Mother: The Story of America’s First Legal Surrogate Mother. — Harcourt Brace Jovanovich, 1988.

¹¹ South African Medical Journal. Case Study: Surrogate Grandmotherhood. — 1988. Vol. 74. P. 12-14.

¹² Корсак В. С. Вспомогательные репродуктивные технологии в России: история и перспективы // Журнал акушерства и женских болезней. — 2005. № 1. С. 18.

¹³ Майфат А. В. Суррогатное материнство: правовые и этические проблемы // Юридический мир. — 2010. № 6. С. 34-38.

¹⁴ Gretton C. Surrogacy Law in the European Union: Comparative Study // European Parliament Research Service. — 2013. P. 12-15.

тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, ушбу қонунга кўра, суррогат оналик билан боғлиқ ҳар қандай тиббий фаолият жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, суррогат оналик институининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, ушбу институт инсоният маданиятида қадимги даврлардан мавжуд бўлиб, XX аср охиридаги тиббий инқилоб натижасида юқори технологик юридик механизмга айланди. Унинг ривожланиш тарихидаги энг муҳим нуқта – оналик тушунчасининг биологик туғиш фактидан ажралиб, иродавий ва генетик масъулият соҳасига ўтишидир. Бугунги кунда суррогат оналикнинг тарихий эволюцияси шуни исботлайдики, ҳуқуқ тизими эндиликда фақат табиий жараёнларни қайд этиш билан чекланмай, балки илғор технологиялар яратган янги ижтимоий муносабатларни (генетик ота-оналикни) тан олиш ва тартибга солишга мажбурдир.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Косарев А. И. Антропология права. — М.: Норма, 2005. С. 112.
2. Диков Г. В. Проблема суррогатного материнства в европейском праве // Право и политика. — 2018. № 4. С. 45-50.
3. Библия. Ветхий Завет. Книга Бытия.
4. Плутарх. Сравнительные жизнеописания. — М.: Наука, 1994.
5. Norbert R. Legal Anthropology: An Introduction. — Oxford University Press, 2004. P. 142.
6. Lazzaro S. Early Experiments in Reproductive Medicine // Journal of History of Medicine. — 1956. No. 2.
7. Леонов Б. В. Экстракорпоральное оплодотворение при лечении женского бесплодия. — М.: Медицина, 1986. С. 45.
8. Steptoe P. C., Edwards R. G. Birth after the reimplantation of a human embryo // The Lancet. — 1978. Vol. 2. P. 366.
9. Kane E. Birth Mother: The Story of America’s First Legal Surrogate Mother. — Harcourt Brace Jovanovich, 1988.
10. South African Medical Journal. Case Study: Surrogate Grandmotherhood. — 1988. Vol. 74. P. 12-14.
11. Корсак В. С. Вспомогательные репродуктивные технологии в России: история и перспективы // Журнал акушерства и женских болезней. — 2005. № 1. С. 18.
12. Майфат А. В. Суррогатное материнство: правовые и этические проблемы // Юридический мир. — 2010. № 6. С. 34-38.
13. Gretton C. Surrogacy Law in the European Union: Comparative Study // European Parliament Research Service. — 2013. P. 12-15.